

Акрамова Гулнора
Абдувахидовна

Рақобат ва монополия

Тошкент - 2016

МАВЗУ. РАҚОБАТ ВА МОНОПОЛИЯ

1

- Рақобатнинг моҳияти, шакллари ва усуллари.

2

- Монополияларнинг иқтисодий асоси ва уларнинг турлари.

3

- Ўзбекистонда рақобатчилик муҳитининг вужудга келиши ва монополияга қарши қонунчилик.

Рақобат

*Бу бозор субъектлари иқтисодий
манфаатларининг
тўқнашувидан иборат бўлиб,
улар ўртасидаги юқори фойда ва
кўпроқ нафлиликка эга бўлиш
учун курашдир.*

Рақобатнинг асосий вазифалари

1

- *тартибга солиш*

2

- *ресурсларни жойлаштириш*

3

- *инновацион вазифа*

4

- *мослаштириш*

5

- *тақсимлаш*

6

- *назорат қилиш.*

Рақобатнинг асосий турлари

Тармок
ичидаги
рақобат

Тармоқлараро
рақобат



ТАРМОҚ ИЧИДАГИ РАҚОБАТ

Бу

Бир тармоққа тегишли бўлган корхона
ва ташкилотлар ўртасидаги рақобатдир.

*Унинг
турлари*

**Эркин
рақобат**


**Монопо-
листик
рақобат**

**Олигопо-
листик
рақобат**

**Соф
монополия**

Тармоқлараро рақобат

*Бу- турли тармоқлар корхоналари ўртасида
энг юқори фойда нормаси олиш учун олиб
бориладиган курашдан иборат. Бундай
рақобат фойда нормаси кам бўлган
тармоқлардан фойда нормаси юқори
тармоқларга капиталларнинг оқиб ўтишига
сабаб бўлади.*



2. Монополияларнинг иқтисодий асоси ва уларнинг турлари.

Монополия – монопол юқори нархларни ўрнатиш ҳамда монопол юқори фойда олиш мақсадида тармоқлар, бозорлар ва яхлит макроиқтисодиёт устидан ҳукмронликни амалга оширувчи йирик корхоналар (фирма, корпорациялар)нинг бирлашмалари.

Монополияларнинг моддий асоси

Бу

Ишлаб чиқаришнинг, яъни ишлаб чиқариш воситалари, ишчи кучи ҳамда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг йирик корхоналар қўлида тўпланиши ҳисобланади.

Бунинг
асосий
сабаби

*Олинаётган фойда ҳажмининг
кўпайиши*

Монополияларнинг асосий турлари

Бозорни қамраб олиш даражасига кўра:

- *Соф монополия*
- *Олигополия*
- *Монопсония*

Вужудга келиши сабаби ва тавсифига кўра:

- *Табиий монополия*
- *Легал (қонуний) монополия*
- *Сунъий монополия*

*Табиий
монополия*

Бу

*Корхонанинг
технологик
хусусиятлари
сабабли маҳсулотга
бўлган талабни
қондириш рақобат
мавжуд бўлмаган
шароитда
самаралироқ амалга
оширилувчи товар
бозорининг ҳолати.*

Легал монополия

```
graph TD; A([Легал монополия]) --> B([Бу қонуний тарзда ташиқил этилувчи монополистик ҳолат.]); B --> C([Патент тизими]); B --> D([Муаллифлик ҳуқуқи]); B --> E([Товар белгилари]);
```

*Бу қонуний тарзда
ташиқил этилувчи
монополистик ҳолат.*

**Патент
тизими**

**Муаллиф-
лик
ҳуқуқи**

**Товар
белгилари**

Сунъий монополиялар

**Монопол фойда олиш мақсадида ташкил этилувчи
бирлашмаларнинг шартли номи.**

*Уларнинг ҳатти -
ҳаракатлари*

1

- *бозорга янги рақибларнинг кириб келишига йўл қўймаслик учун турли тўсиқлар ҳосил қилади*

2

- *ишлаб чиқаришнинг энг юксак даражадаги технологиясига эришиб, қолган рақибларини бу даражага чиқишига имкон бермайди;*

3

- *ўз фаолиятини юқори даражада реклама қилиш орқали бошқа рақобатчиларни бозордан сиқиб чиқаришга ҳаракат қилади.*

МОНОПОЛИЯЛАРНИНГ ИЖОБИЙ ТОМОНИ

Ижобий томонлар

**у маълум тармоқларда нисбатан самарали
амал қилади ва харажатларнинг тежалишига
олиб келади**

Монополист бўлмаган, майда, рақобатлашувчи
соҳа корхоналарига нисбатан монополистик
корхоналарда ишлаб чиқаришга илмий-техника
тараққиёти ютуқларини жорий этиш учун кўпроқ
рағбат ва имконият мавжуд бўлади.

Монополияларнинг салбий томонлари



ресурсларнинг оқилона тақсимланмаслиги



даромадлардаги тенгсизликнинг кучайиши



**иқтисодий турғунлик ва фан-техника тараққиётининг
секинлашуви.**



**иқтисодиётда демократик ҳаракатларнинг тўсиб
қўйилиши**

3. Ўзбекистонда рақобатчилик муҳитининг вужудга келиши ва монополияга қарши қонунчилик.

Ўзбекистонда самарали рақобат муҳитини яратиш учун кўриладиган чора-тадбирлар

Иқтисодиётда давлат монополизмининг ҳар қандай намоён бўлишини максимал даражада бартараф этиш.

- *Бунинг учун тадбиркорликни ривожлантириш ва иқтисодиётни давлат томонидан бошқариш тизимини такомиллаштириш учун нисбатан қулай шарт-шароитларни яратишга қаратилган чуқур институционал ислоҳотлар зарур*

Бозор шароитида вужудга келаётган монополияларнинг бозордаги ўз устунлик мавқеларини суистеъмол қилиш имкониятларининг олдини олиш.

- *Бунинг учун давлат муассасалари рақобатнинг ривожланишини таъминлашлари лозим*

**Ўзбекистонда «Монопол фаолиятни
чеклаш тўғрисида»ги қонун
(1992 йил, август)**

Бозорда атайлаб тақчиллик ҳосил қилиш



Нархларни монополлаштириш



*Рақобатчиларнинг бозорга кириб боришига тўсқинлик
қилиш*



Рақобатнинг гирром усуллари кўллаш



Ман этилади

Ўзбекистонда монопол мавқега эга бўлган корхоналарни Давлат реестрига киритиш мезонлари

**Озиқ – овқат
маҳсулотлари учун**

*Агар корхона ишлаб
чиқарган муайян
маҳсулотлар
бозордаги шу турдаги
маҳсулотнинг 20 %
идан ортиқ бўлса, бу
корхона
монополистик
корхона сифатида
Давлат реестрига
киритилади.*

**Бошқа
товарлар**

*Агар корхона ишлаб
чиқарган муайян
маҳсулотлар
бозордаги шу турдаги
маҳсулотнинг 35%
идан ортиқ бўлса, бу
корхона
монополистик
корхона сифатида
Давлат реестрига
киритилади.*

Монопол корхоналарни Давлат томонидан тартибга солиш усуллари



**Монопол мавқеидаги
корхоналар маҳсулотларига
нархларнинг энг юқори
даражасини ёки
рентабелликнинг чегарасини
белгилаб қўйиш.**



**Ўз монопол мавқеини
суистеъмол қилган
монополистик бирлашмаларни
бўлиб ташлаш ёки
майдалаштириш.**